

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 10

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 10 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Фарманова Гулнара Комилевна
МЕТОДЫ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО
СОГДА В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА 9-18

Саидбобоева Гулзора Нематжоновна
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ҲУЖЖАТЛАРИДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИНИНГ
ҚУРИЛИШИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР (XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ ОХИРИ-30-ЙИЛЛАР
БОШИ) 19-26

Ахмедов Шахзод Фарход ўғли
МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ
УМУМИЙ ҲОЛАТИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАРИ 27-34

Mirsoatova Sayyora Turg'unovna
MARKAZIY FARG'ONA NEOLIT JAMOALARI MADANIYATI HAQIDA MULOHAZALAR 35-39

Янгибоева Дилноза Ўктамовна
МУҲАММАД ШАРИФЖОН МАХДУМ САДРИ ЗИЁНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
ФАОЛИЯТИ 40-48

Маҳмудов Эркинжон Асқаралиевич
АРАБЛАР ТОМОНДАН ФАРФОНАНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ВА
УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ 49-53

Yoriqulov Nasibulla Xoliyorovich
O'ZBEKISTON HUDUDIGA G'ARB ME'MORCHILIK AN'ANALARINING KIRIB KELISHI 54-58

Ergasheva Bahridil G'olibjonovna
IJTIMOIY TARMOQLARDAGI REKLAMALARNING IJTIMOIIY-MA'NAVIY HAYOTGA TA'SIRIGA
DOIR MULOHAZALAR (ETNOSOTSILOGIK TAHLIL) 59-65

Абдухамидов Исломбек Абдухалим ўғли
МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР 66-74

Boltayeva Moxichehra Jamshid qizi
XORIJIIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN ISHLAR VA
ERISHILGAN KO'RSATKICHLAR (JIZZAX VILOYATI MISOLIDA) 75-80

Кандахаров Анваржон Хасанович, Бабаярова Шахноза Шухратовна
БУХОРО ХОНЛИГИДА АБДУЛЛАХОН II ДАВРИНИНГ ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИ
ТАРИХИГА БИР НАЗАР 81-86

8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Boltayev Nurali Shiramatovich
AGRAR OLIIY TA'LIM MUASSASALARIDA MALAKALI KADRLAR TAYYORLASHNING
BOSHQARUV SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI 87-93

| | |
|--|---------|
| <i>Дустова Мухайё Худайбердиевна</i> РОСТ, УСТОЙЧИВОСТЬ, ДОХОДНОСТЬ: ЭКОНОМЕТРИКА ФИНАНСОВЫХ ПОТОКОВ НА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ | 94-102 |
| <i>Ravshanov Malik Naimovich</i> METHODOLOGY FOR DETERMINING THE NEED FOR ECONOMIC RESOURCES OF THE ROAD TRANSPORT COMPLEX..... | 103-108 |
| <i>Xushmuradov Oman Namozovich</i> TIJORAT BANKLARI MOLIYAVIY BARQARORLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI | 109-115 |
| <i>Raximjonov Kamronbek Ixomjon o'g'li</i> DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA KORRUPSIYANI OLDINI OLISH | 116-121 |
| 09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ | |
| <i>Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна</i> АКАДЕМИК ИБРОҶИМ МЎМИНОВ ИЛМИЙ ЖАСОРАТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ | 122-128 |
| <i>Talabov Baxriddin Alijanovich</i> KONSTITUTIONIZM DEMOKRATIK RIVOJLANISHNING ASOSI SIFATIDA | 129-134 |
| <i>Tajibaev Muxiddin Abdurashidovich</i> JAMIYAT HAYOTIDA SINERGETIK DUNYOQARASH PARADIGMASINI TADQIQ QILISHNING AHAMIYATI | 135-140 |
| <i>Солиев Икромжон Комилжонович</i> РАҚАМЛИ ДУНЁДА ИНСОН ҚАДРИ МУАММОСИ: ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН | 141-147 |
| <i>То'хтайев Hakim Primovich</i> TASAVVUF TA'LIMOTLARIDA QADRIYATLAR TRANSFORMATSIYASINING NAMOYON VO'LISH XUSUSIYATLARI | 148-153 |
| <i>Уразалиева Гулшада</i> СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КАТЕГОРИИ «ГЕНДЕР» В СИСТЕМЕ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ | 154-160 |
| <i>Гуламова Мавжуда Ташпулатовна</i> ИЖТИМОЙ АХЛОҚ МЕЗОНЛАРИНИ ЎРГАНИЩДА КУМУШХОНАВИЙ ВАСИЯТНОМАЛАРИНИНГ ЎРНИ | 161-165 |
| <i>Xoliqov Lazizjon Maxmud o'g'li</i> GLOBAL O'ZGARISHLAR SHAROITIDA O'ZBEKISTONNING IJTIMOIIY-DUNYOVIY DAVLAT SIFATIDAGI MAQOMI (IJTIMOIIY-FALSAFIY TAHLIL) | 166-171 |
| <i>Quvonov Sardor Zokirovich</i> MA'NAVIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISHDA "MANOQIBI SHAYX XUDOYDOD VALIY" ASARINING AHAMIYATI | 172-179 |
| 10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ | |

| | |
|---|---------|
| <i>Халметова Меҳрибону Гайратжонова</i> ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕТСКОЙ ЛЕКСИКИ В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ | 180-186 |
| <i>Abdijabbor Amanov</i> MURAKKAB SINTAKTIK BUTUNLIKNING MATNNING KATTA BIRLIGI SIFATIDA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI | 187-194 |
| <i>Umarova Xurshida Zikiryoхonovna</i> AQSH ADABIYOTIDA PSIXOLOGIK ROMAN TADRIJI | 195-203 |
| <i>Odinayev Bekqul Imamqulovich</i> LISONIY SHAXS: TA'RIF, TAHLIL, TALQIN | 204-210 |
| <i>Jaloliddin Jo'rayev, Jamoliddin Jo'rayev</i> "DEVONI LUG'ATIT-TURK" VA "GULSHAN UL-ASROR"DAGI QADIMGI TURKIY SO'ZLAR QIYOSI | 211-217 |
| <i>Saidov Akmal Azimovich</i> "TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI" YO'NALISHIDA TAHSIL OLAYOTGAN TALABALARDA MADANIYATLARARO MULOQOT KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH | 218-224 |
| 12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР | |
| <i>Qosimov Botirjon Ma'rufjon o'g'li</i> SUDYALAR OLIY KENGASHINI SUDYALARNING CHINAKAM HAMJAMIYATI ORGANIGA AYLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY MASALALARI | 225-231 |
| <i>Жўраев Дилмурот Мухторович</i> МАЪМУРИЙ ВА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ЭТИШДА КЕЛИШУВ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР | 232-240 |
| <i>Эшонхонов Камолхон Маматхонович</i> БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАСАРРУФ ЭТИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР..... | 241-246 |
| <i>Бўриев Одил Қобилович</i> КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ МЕЗОНИДИР | 247-253 |
| 13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ | |
| <i>Umarzoda Shohruh Azamat o'g'li</i> "ALGORITMIK TILLAR VA DASTURLASH ASOSLARI" FANI MAZMUNI VA O'QITISHNING MAVJUD HOLATI | 254-259 |
| <i>Эргашева Гули Исмоил кизи, Инамова Гуллола</i> ЗНАЧИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ФОНЕТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ В ПРОЦЕССЕ КОММУНИКАЦИИ..... | 260-265 |

| | |
|---|---------|
| <i>Bobomurotov Sirojiddin Mengziyo o'g'li</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA TABIIY FANLARNI VARIANTIV TUSHUNCHALAR ASOSIDA O'QITISHDA SHARQ MUTAFAKKIRLARINING O'RNI | 266-271 |
| <i>Xudoyberdiyev G'iyosiddin Baxtiyor o'g'li</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK JIHATLARI | 272-277 |
| <i>Ботиров Азизбек</i> РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ: АНАЛИЗ И ПЕРСПЕКТИВЫ | 278-283 |
| <i>Эшбеков Сардор Журакулович</i> ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИНИГ МУҲИМ ОМИЛИ | 284-288 |
| <i>Abdullaeva Feruza Suyunovna</i> KASBIY TERMINOLOGIYANI O'RGATISHDA INTERAKTIV TEXNOLOGIYALARNING O'RNI | 289-293 |
| <i>Ortiqov Oybek Rustamovich</i> OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING TASHKIL ETILISHI..... | 294-298 |
| <i>Erhanova Nasiba Absayitovna</i> MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARINING "TIL VA NUTQ" MARKAZIDA INNOVATSION FAOLIYAT OLIB BORISH | 299-303 |
| <i>Robiya Mannopova</i> INNOVATIVE COMPETENCY AS A CORE COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS..... | 304-308 |
| <i>Qodirov Olim Odilovich</i> REFLEKSIV YONDASHUV, UNING MOHIYATI VA KONSEPTUAL ASOSLARI..... | 309-314 |
| <i>Xaydarova Mahliyo Xabibullayevna</i> TARBIYA FANINI O'QITISHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI..... | 315-322 |
| <i>Xasanova Gulsanam Xusanovna</i> IJTIMOIY-MADANIY FAOLIYATDA MAGISTRATURA TALABALARINING TASHKILIY- BOSHQARUV KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI | 323-328 |

07.00.00 – Тарих фанлари

Кандахаров Анваржон Хасанович,
УзМУ доценти

Бабаярова Шахноза Шухратовна,
НавДПИ тадқиқотчиси

БУХОРО ХОНЛИГИДА АБДУЛЛАХОН II ДАВРИНИНГ ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Аннотация. Мақолада Бухоро хонлиги тарихида муҳим ўрин тутган Абдуллахон II даврида бир неча тарихий шаҳарларда бунёд этилган мадрасалар, масжидлар, рабодлар, тўғонлар, ҳаммомлар, савдо расталари каби иншоотларнинг тарихий аҳамияти, айримларининг бугунги кунга қадар сақланиб қолганлиги ва маънавий мерос сифатида ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин эгаллаши каби масалалар тарихий манбалар асосида талқин этилади.

Калит сўзлар: мадраса, масжид, хонақоҳ, санъат, сув иншоотлари, тарихий шаҳарлар, кўприklar, қишлоқ хўжалиги, хиёбон.

Kandakharov Anvarjon Khasanovich,
associate professor of NUUZ

Babayarova Shakhnoza Shukhratovna,
competitor of NSPI

FROM THE HISTORY CONSTRUCTION OF STRUCTURES DURING THE RULE OF ABDULLAKHAN II IN THE BUKHARA KHANATE

Abstract. The article deals with the construction of madrasas, mosques, rabats, khanaka and other structures in the historical cities during the reign of Abdullakhan II, their historical significance. Some of them are currently preserved. These historical monuments and buildings will play a huge role in educating the younger generation. In this article, these issues are revealed by analyzing historical sources.

Key words: madrasah, mosque, khanaka, art, waterworks, historical cities, bridges, agriculture, square, fortress.

Кандахаров Анваржон Хасанович,
доцент НУУЗ

Бабаярова Шахноза Шухратовна,
соискатель НГПИ

ИЗ ИСТОРИИ ПОСТРОЕНИЕ СООРУЖЕНИЙ В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ АБДУЛЛАХАНА II В БУХАРСКОМ ХАНСТВЕ

Аннотация. В статье речь идёт о построении в исторических городах медресе, мечеть, рабаты, ханака и других сооружений в правления Абдуллахана II их исторические значения. Некоторые из них сохраняется в настоящее время. Эти исторические памятники и сооружение сыграл огромную роль в воспитание молодого поколение. В данной статье эти вопросы раскрывается анализируя исторических источников.

Ключевые слова: медресе, мечеть, ханака, искусство, водные сооружение, исторические города, мосты, сельское хозяйство, скверь, крепость.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I10Y2023N11>

Кириш. Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида XVI аср, айниқса Бухоро хонлигида Абдуллахон II ҳукмронлиги даври тарихига қизиқиш ва уни тадқиқоти борасида жуда кўплаб илмий ишлар бажарилган. Шу боис бугунги кунга қадар Абдуллахон II даври билан боғлиқ тарихий манба ва илмий, бадиий асарлар янада тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб, илмий муомалага тортилмоқда. Бухоро хонлиги тарихида Абдуллахон II даврида бунёд этилган тарихий иншоотларнинг аксарияти сақланиб қолган. Ушбу иншоотлар ёш авлоднинг маънавий- маърифий тарбиясида ва миллий-маънавий меросимизни бойитишда муҳим аҳамият касб этади. Маънавий меросни асраб-авайлаш ва келгуси авлодга етказиш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Асосий қисм. Бизга маълумки, тарихий маълумотларнинг гувоҳлигига қараганда, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Навоий, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида бугунги кунда сақланиб қолган ўнлаган иморатлар Абдуллахоннинг бевосита кўрсатмасига асосан қурилган. Бухородаги Абдуллахон мадрасаси, Жўйбор хўжаларига атаб қурилган масжид, хонақоҳ, Гавкушон, янги Чорсу, Абдуллахон тими, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси, Нуротадаги Чашма мажмуидаги Тош Мачит, Карманадаги Қосим Шайх хонақоҳи, Чармгар чорбоғ ёнидаги “Абдуллахон уйи”, 1582 йили (ҳозирги “Цементчи” сиҳатгоҳи ёнида) Зарафшон дарёси устида қурилган кўприк шулар жумласидандир.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, XVI асрда Карманада “Чорминор” деб аталган катта масжиди-жоме (илгари Навоий “Матлуботсавдо” идораси ўрнида) ва Тошҳаммом (Кармана деҳқон бозори ёнида) бўлган. XVI асрдаги меъморий қурилишларнинг кўпчилиги Абдуллахон номи билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, бу иморатлар ҳам унинг даврида қурдирилганлиги маълум бўлади.[2; 21-25 б]

Абдуллахоннинг Карманага эътибори катта эди. Чунки у шу юрт фарзанди бўлган. Отаси, бобоси Карманада яшаган ва салтанат эгаси бўлган. Фикримизни далили сифатида Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг қуйидаги маълумотига мурожаат қиламиз:

“Абдуллахон Балхдан қайтиб давлатининг пойтахти Бухорода бир оз тўхтагандан сўнг, жами аркони давлатлари ва аёнлари билан туғилган ери ва асл ватани бўлган Карманага биродари Ибодулло Султонни юборади”.

Унинг даврида мамлакатда шаҳарсозлик ва ободончилик тараққий этган. Нафақат ўзи, балки атрофидаги амалдору мулкдорлар ҳам хайру саҳоват билан қурилиш қилишган. “Одамлар ўз подшоларининг динида бўлади” мақолига амал этиб, давлат бошқарувидаги катта бой ва амалдорлар Абдуллахонга атаб кўп олий бинолар-масжид, работ, кўприк ва ҳовузлар бино қилганлар.

Асарда мамлакатда X асрда айниқса унинг иккинчи ярмидан бошлаб илм-фан ва маданият ҳам бир қадар ривожланганлигини кўрсатувчи маълумотлар бор. Фан ва

маданият айниқса хонлик пойтахти бўлмиш Бухорода равнақ топди. Биринчидан, Абдуллахон даврида шаҳар атрофидаги, ундан тахминан бир фарсах (6-7 км) масофада бўлган Сумитон (Жуйбор) қишлоғини ҳам шаҳарга қўшиб, унинг жануби-ғарбий тарафида янгидан девор олинди. Ана ўша Сумитонда, Жуйбой хожаларининг бобокалони Абубакр Саъд мақбараси атрофида мачит, мадраса ва хонақоҳ бино қилинди, бинолар теварагида эса чиройли чорбоғ бунёд этилди. Сумитондан то шаҳар марказигача кенг хиёбон чиқарилиб, унинг икки тарафига анвойи дарахтлар ўтқазилди. “Шарафномаи шоҳий” муаллифининг гувоҳлик беришича, Сумитонни шаҳарга қўшиб олиш ва уни обод қилиш ишлари, Бухоронинг ҳам обод бўлиши қарийб ўн йил (1559 – 1568) давом қилган. Бундан ташқари, Абдуллахон II даврида фақат Бухоронинг ўзида бир эмас, балки тўртта мадраса (Абдуллахон, Гавкашон, Фатхулла қушбеги, Хожа Муҳаммад Порсо мадрасаси), янги Чорсу (1570 йили), Кармана яқинида Зарафшон устига кўприк (1582) қурилди. Шаҳар марказида қурилган Абдуллахон тими деб аталган усти ёпиқ бозор эса нафақат Мовароуннаҳрда, балки бутун жаҳонда машҳур бўлди. Масжид, мадраса, карвонсарой, ҳаммом ва бошқа олий бинолар Самарқанд, Тошкент ва Балх сингари катта шаҳарлари, балки Тошкент, Термиз, Кўлоб, Ҳирот шаҳарлари ҳақида ҳам эътиборга сазовор фактли маълумотлар бор. [13; 46-48 б]

Бу ўринда ҳижрий 966 – 976 (1559 – 1571) йиллари Абдуллахон II тарафидан Бухорога яқин Сумитон қишлоғида қурдирилган мадраса, масжид, хонақоҳ ва бошқа иморатлар ҳақида келтирилган маълумот диққатга сазовордир. Асарда бу ҳақда, масалан, мана буларни ўқиймиз: “Тангри таолонинг қўллаб-қуватлаши билан хонлик курсиси ва жаҳондорлик мансаби соҳибқирон ҳазратларига қарор топиб, кунлар саҳни ул ҳазратнинг адолат нурлари ва марҳамат асарлари билан безалгач ўзидан кейин нодир нишонлар яхши ном ва эсдаликлар қолдиришни истади...Халк муқтадосининг улуғ боболари имом Абубакр Саднинг нурлари файзли мазори ёнида хонақоҳ, масжид, мадраса ва бошқа олий бинолар қуриб, атрофини ажойиб ва зебо боғу бўстонлар, билан безашни кўнгли саҳифасига ёзган эди. Шунинг учун тарих 966 йилда тажрибали муҳандислар синчков меъморлар вақт толеини аниқлаб бино вақтини белгиладилар... Йиллар ойлар ва кунлар ўтиб андак замонда тахминан ўн йил ичида шундай бир (муҳташам) бино... қурилиб битдики каримлар ҳимматининг фазоси каби кенг саҳнини турли мевали дарахтлар билан безатдилар.Унинг ўртасига ғоят тоза ва тиниқликда офтоб чашмаси каби ярақлаган кавсар мисол ҳовуз ҳам қурдилар. Ул кўнгил очадиган бинолардан хар бири баланд пештоқларни ва кенг равоқларни ўз ичига олиб қутли асар усталар, моҳир наққошлар уларнинг юзига олтин ва хал билан ажиб наққошлар солиб бениҳоят латиф ва зебо қилиб турлича такаллуфлар билан кошинлар билан безадилар.Олий масжидда беш вақт намоз ўқиқлар эди. Хушовоз ҳофизлари Қуръон оятларини оҳанг билан ўқишларидан осмон авжида фаришталар рақсга тушардилар.Мадрасада машҳур олим ва фозиллардан бири муаллимлик маснадида ўлтириб диний ва дунёвий илмлардан дарс берарди...

У ерда таълим олувчилар ҳам яхши маош билан таъмин этилиб хотиржамлик билан илм мутолаа қилиш билан банд эдилар. Файзгоҳ хонақоҳнинг ходимлари хар куни мискин етим ва есирга таом беришга аҳамият берардилар.

Нурлари файзли мазор ёнига комкор (Абдуллахон) учун олий жаннатнинг рашки келадиган бир чорбоғ ҳам қурдирдилар. [Боғ ўртасига] Чин наққошхонаси тақлидида

бир бино қурдирдиларки, олам пайдо бўлгандан бери унга ўхшашини ҳеч ким кўрмаган...

Шаҳар дарвозасидан то ўша боғгача бўлган тахминан бир фарсах масофада йўлнинг икки тарафига иккита ариқ қаздилар ва унинг четларига дарахт ўтқаздилар.

Хон ҳазратларининг аркони давлати ва аёнлари, хусусан ўша пайтда олий муҳрдорлик мансабида бўлган амир Халифа мазкур иморатларни битиришда тамом эҳтимом кўрсатди. Иқтидорли амир Жонкелдибий, эътиборли амирзода Валижон мирзо ҳамда амир Жултойбий боғу гулзорларни файз асар мозорнинг атрофига тартиб зийнат ва такаллуф билан экдилар. Бинолар ва боғ ҳазрат соҳибқироннинг қуввати ва олий ҳиммати орқасида қисқа вақт ичида тамом битказилиб, басийрат аҳлининг кимё асар назарига мақбул бўлди... Хоқон ўзбек давлатининг қуввати билан мамлакатни кенгайтиришни, Мустафо шариатини олий ва пайғамбарлар миллатининг байроғини баланд кўтаришни ҳамда пайғамбарлар ворислари бўлган уламолар табақасига ривож беришга интилди. Шунинг учун (ҳам) уламоларнинг мустаҳкам ўрни бўлган Бухоронинг ташқи қаласида шаҳарнинг ғарб тарафида Хиёбон кўчасида ул ҳазрат қурган бинолардан бўлган хон ҳаммоми қаршисида 974 йилда тоқилари баланд гумбазлари юқори ва икки қаватли (кўп) ҳужралардан иборат бўлган олий мадраса қуришни буюрди.

Хонлик шаҳарларида илм-фан адабиёт ва китоб санъати ҳам ривож топди. Жумладан, “Шарафномаи шоҳий” ҳам ибн Араб Муҳаммад қатағоннинг “Мусаххир ал-билод”, Амин Аҳмад Розийнинг “Ҳафт иқлим” каби қимматли тарихий асарлари, Мутрибийнинг “Тазкират уш-шуаро”, “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” биографик асарлари каби Абдуллахон даврининг илмий маҳсулидир. Асарда Бухорода яшаб ижод этган Мушфиқий, Низом Муаммой, Муҳаммад Дарвиш Охунд, Қози Поянда Зоминий, мулла амир Муҳаммад Амин Зоҳид, Мавлоно Абдулҳаким каби кўплаб олимлар, табиблар ва шоирлар ҳақида ҳам маълумот бор. Шунингдек ўзига хос хаттотлик ва наққошлик мактаби шаклланигани ҳақида ҳам муҳим далиллар бор. Ҳофизи Таниш Бухорий машҳур Султон али Машҳадий, Маҳмуд ибн Исъҳоқ аш-Шаҳобий, Дарвиш Муҳаммад Бухорий, мавлоно Маҳмуд Музаҳҳиб, Жалолиддин Юсуф, Муҳаммад Мурод Самарқандий каби жуда кўп намоёндаларнинг номини ҳам тилга олиб ўтган.

Асарда Бухоро хонлигининг Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Қошғар, Русия ва бошқа мамлакатлар билан XVI асрда олиб борган элчилик, савдо ва маданий алоқалари ҳақида ҳам илм-фан учун ўта муҳим маълумотлар келтирилади.

Хуллас, Абдуллахон даврида Кармана обод ва кўркам манзиллардан бирига айланади. Бу даврда қатор ирригация иншоотлари бунёд этилади. Уларнинг айримларига кенгроқ тўхталиб ўтамир:

986-1578 йилда Карманадан Ғиждувонга борадиган йўлда Ғиждувон туманига яқин 18 равоқдан иборат бўлган кўприк қурилади. Бу равоқлар бир неча дарёдан бош олган тармоқларга бўлиниб, ҳар бир тармоқ бир неча рудларга бўлиниб, қишлоқ аҳли ерлари шу наҳрлардан борадиган сувдан суғорилган.[12; 201 б]

XVIII асрга оид қўлёзма асарлардан Мирзо Муҳаммад Баде девоннинг “Мажмаъ ал-арқом” да келтирилган маълумотларга кўра, Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида “Пули Кармана”, “Пули Меҳтар Қосим”, “Пули Чаҳорминор” ва “Пули Жондор” каби дарёдаги

сув миқдорини белгиловчи сув ўлчагич ва сув тақсимлагич кўприклар бўлган. [13; 51-53 б]

1896 йилда Н. Ф. Ситняковскийнинг ва 1915 йилда қуйи Зарафшонда археологик текширишлар ўтказган Л. А. Зиминларнинг ёзишича, ўтган асрнинг охирлари ва асримизнинг бошларида “Пули Чаҳорминор” ва “Пули Жондор”ларнинг бир нечта равоқлардан иборат айрим қисмлари сақланган бўлса-да, бироқ ҳозирги вақтда уларнинг қолдиқлари дарё четидаги эски ўзани остида қолиб кўмилиб кетган.

1962-1964 йилларда бу сув иншоотларининг қолдиқлари топиб текширилди. [16; 124-135 б] Улардан биринчиси, “Пули Кармана” Навоий шаҳридан Конимех ва Нуротага томон ўтган йўлда Зарафшон дарёси устига қурилган кўприкдан тахминан 3 км юқорида жойлашган бўлиб, унинг қолдиқлари Кармананинг ўрта аср қалъаси харобалари Хосақўрғон яқинида дарёнинг чап қирғоғида топиб текширилди. Бу иншоотнинг қолдиқлари дарё соҳилига ўрнатилган устуннинг бир қисмигина бўлиб, у 26*26*5 ва 27*27*6 см ҳажмдаги чорбурчакли пишиқ ғиштдан ишланган. Афсуски, унинг асосий қисмлари ювилиб кетган. Бироқ бу иншоот тўғрисидаги археологик маълумотларни тарихий манбаларда келтирилган айрим маълумотлар билан қисман бўлса-да, тўлдириш мумкин. Саид Роқимнинг XVII аср охири ва XVIII аср бошларида ёзилган “Тарихи Роқимий” номли қўлёзма асарида келтирилган маълумотларга кўра, “Пули Кармана” 1582 йилда Бухоро хони Абдуллахон томонидан бино қилиниб, унинг 18 та пештоқли равоқлари, икки томонида 2 тадан 4 та катта миноралари ва устки қисмида ҳар икки лаби бўйлаб дандоналари бўлган. [17, 201 б] Равоқларининг сонини ҳисобга олганда “Пули Кармана” ўз даврида жуда улкан иншоот ҳисобланган.

1582 йилда бино қилинган “Пули Кармана”нинг санасига ҳамда унга ишлатилган пишиқ ғиштлар билан “Пули Меҳтар Қосим”, “Пули Чаҳорминор” ва “Пули Жондор” ғиштларининг деярли бир хилда эканига асосланиб, кейинги учта гидротехника иншоотларини XVI асрнинг иккинчи ярми билан саналаш мумкин.

Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, XVI асрда бино қилинган бу кўприклардан, юқорида қайд этилганидек, XVI-XVIII асрларда Бухоронинг суғориш тармоқлари ҳақобасини белгилаш ва улар бўйлаб Зарафшон дарёси сувини тақсимлашда сув айирғич ва сув тақсимлагич иншооти сифатида ҳам фойдаланилган. Масалан, суғориш мавсумида Кармана яқинидаги “Пули Кармана”дан ўтказилган 21 равоқ сувдан 10 равоғи Дуоба тўғонигача Зарафшонда чиқарилган каналларга тақсимланган. Демак, XVI асрда бино қилинган “Пули Кармана”, “Пули Меҳтар Қосим”, “Пули Чаҳорминор” ва “Пули Жондор”лар тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Зарафшон дарёси устига қурилган оддий кўприк бўлибгина қолмай, балки Бухоро воҳаси бўйлаб суғориш каналларига дарё сувини тақсимловчи иншоот сифатида ҳам хизмат қилган.

Абдуллахон II 1582 йилда қурдирган бу сув омборининг қолдиқлари ҳозирги Нурота тумани, Эски Оқчоб қишлоғидаги Бекларсой дарасида сақланиб қолган. Абдуллахон бандининг тўғони сланец тошларидан қурилиб, тош палахсалари сувга чидамли махсус ганч қоришмаси-кир билан бириктирилган. Тўғоннинг узунлиги асосан 73 метр, юқориси 83 метр, баландлиги 14 ярим метр. Абдуллахон банди зинапоя шаклида қурилган. Бунда сув босими ва унинг кучи ҳисобга олинган ҳолда тўғон асосининг қалинлиги 15 метру 30 см, устки қисми 4,5 метр қилиниб, зинапоя шаклида

қурилган. Тўғон олдида ҳосил бўлган сув омборининг узунлиги 1500 метр, эни 75-125 метр бўлган. У ўз вақтида сувнинг оқиб чиқиши учун керакли иншоотлар мажмуаси билан таъминланган экан. Абдуллахон бандининг аниқ ҳисоб-китобларига кўра пишиқ-пухта қилиб қурилгани, XVI асрлик миробларимиз геология ва гидрогеология илмидан яхшигина хабардор эканликларини кўрсатади. Ўзбекистоннинг ўрта аср гидротехника иншоотлари тарихини ўрганиш сел сувларини жамғариб, улардан деҳқончиликда фойдаланиш учун сунъий сув омборлари қуриш суғорма Шарқнинг тоғли ва тоғолди вилоятлари ирригация техникаси амалиётида қадим замонлардан бери қўлланилиб келинганлигини кўрсатди. Демак, Абдуллахон даврида Кармана ва унинг атрофларида деҳқончилик, чорвачилик ривожланди, боғ-роғлар кўпайди, турли хилдаги иншоотлар қад ростлади. Ушбу иншоотлар миллий маънавиятимиз ва тарихий меросимизни бойитишда улкан аҳамият касб этади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ахмедов Б. А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Письменные памятники. - Т. 1985
2. Вильданова А.Б. Подлинник Бухарского трактата о чинах и званиях, Письменные памятники востока, Историко-филологические исследования, Изд-во "Наука", 1970,
3. Зимин Л. А. Отчет о двух поездках по Бухаре с археологической целью, Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии, вып. 2, Ташкент 1916.
4. Мухаммеджанов А.Р. История орошения Бухарского оазиса. - Т., 1978
5. Мухаммеджанов А. Р. Средневековые мосты-водоизмерители на Зарафшане, История материальной культуры Узбекистана, вып. 8. - Т.: "Фан", 1969.
6. Мухаммаджонов А. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари. - Т.: "Ўзбекистон", 1997.
7. Саид Роқим, Тарихи Роқимий, ЎЗР ФАШИ, Қўлёзма инв. № 7711 варақ 201^{а,б}
8. Ситняковский Н. Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана, Известия Туркестанского отдела императорского русского географического общества Ташкент, 1900.
9. Халилов Ш. Ватаннинг асл ўғлони. Дўстлик байроғи, 2000 йил 22 ноябр.
10. Ҳотамов А., Халилов Ш. Йиллар садоси. - Т., 1995
11. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. "Шарафномаи шоҳий". Биринчи китоб. Т.: "Шарқ". 1999.
12. Мухаммеджанов А.Р. История орошения Бухарского оазиса. - Т., 1978. С. 271.
13. Вильданова А.Б. Подлинник Бухарского трактата о чинах и званиях, Письменные памятники востока, Историко-филологические исследования, Изд-во "Наука", 1970, стр. 51-53.
14. Ситняковский Н. Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана, Известия Туркестанского отдела императорского русского географического общества Ташкент, 1900 стр 173-174.
15. Зимин Л. А. Отчет о двух поездках по Бухаре с археологической целью, Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии, вып. 2, Ташкент 1916. стр. 126-129.
16. Мухаммеджанов А. Р. Средневековые мосты-водоизмерители на Зарафшане, История материальной культуры Узбекистана, вып. 8. - Т.: "Фан", 1969. - стр. 124-135.
17. Саид Роқим, Тарихи Роқимий, ЎЗР ФАШИ, Қўлёзма инв. № 7711 варақ 201

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 10 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).